

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2021 йил “ 30 ” июль даги
41 -сон буйруғига
ИЛОВА

**Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бозор хизматларини
кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
ТАРТИБ**

Мазкур Тартиб ахборот-коммуникация технологиялари (кейинги ўринларда – АКТ) соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолиятида АКТ хизматлари ҳажми тўғрисидаги маълумотлар тўлиқлигини таъминлаш учун зарур бўлган репрезентатив маълумотлар олиш мақсадида, АКТ хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахслар танланма кузатувини (кейинги ўринларда – кузатув) ташкил этиш ва ўтказиш механизмини белгилайди.

Ушбу Тартибни чиқишда АКТ хизматлари соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ҳамда, халқаро статистика ташкилотларининг тавсияларидан фойдаланилди.

Мазкур Тартиб АКТ соҳасида бозор хизматлари ишлаб чиқариш ҳажмига жисмоний шахсларнинг қўшган ҳиссаси тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқариш имконини берувчи ишончли маълумотларни шакллантириш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар ходимлари томонидан фойдаланилиши учун мўлжалланган.

Кузатув Ўзбекистон Республикасида АКТ соҳасида бозор хизматлари ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисида имкон қадар тўлиқ маълумотларни шакллантириш учун тадбиқ этилган.

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартибда қуйидаги асосий таъриф ва тушунчалардан фойдаланилади:

АКТ хизматлари соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти (ЯМФ) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан бозор хизматлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бозор хизматлари ишлаб чиқариш – мунтазам равишда ялпи статистик кузатувлар билан ҳисобга олинмайдиган ва қонуний амалга ошириладиган, истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар) буюртмасига кўра АКТ

соҳасида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришдаги якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти.

АКТ соҳасида ЯМФ ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми (кейинги ўринларда хизматлар ҳажми) АКТ соҳасида турли хилдаги хизматларни истеъмол қилиш ҳажмини акс эттиради, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчилар тўлаган пул миқдори сифатида аниқланади.

кузатув сўровномаси – ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини ўтказиш учун ҳар йили тасдиқланадиган ва фойдаланадиган кузатув шакли. Бу кузатув предмети ва объектининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган саволлар мажмуасидан иборат.

танланма – бош тўпламнинг тақдим этувчи қисми.

бош тўплам – умумий сифат кўрсаткичларига ёки миқдорий ўзгарувчиларига эга жамиятнинг барча ўрганилган объектлари ва ҳодисалари тўплами.

2. Кузатувнинг мақсади якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни тасодиқий танлов асосида танланма равишда кузатиладиган тўплам бирлиги бўйича туман (шаҳар) ҳудудларида АКТ соҳасида хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи birlikларнинг кузатилган кўрсаткичлар бўйича бош тўпламини тавсифлашдан иборатдир.

3. Кузатув йилда бир маротаба ўтказилади ва кузатилаётган давр учун маълумотларни ўз ичига олади.

2. Статистик кузатув инструментарийси

4. Йиллик кузатувни ўтказиш учун 1-АКТ (jsh) «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида савдо фаолияти билан шуғулланувчи ва бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахслар бўйича сўровнома» кузатув шакли инструментарийсидан фойдаланилади.

3. Кузатув объектлари ва танланган тўпламни шакллантириш

5. Кузатиладиган birlikлар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бозор хизматларини кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳисобланади.

6. Бош тўплам мажмуи солиқ органлари, IT- парклар ва «One Million Uzbek Coders» («Бир миллион дастурчи») лойиҳасининг мониторинг маълумотларига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бозор хизматларини кўрсатувчи якка

тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар сони бўйича туманлар (шаҳарлар) кесимида тўпламларга ажратилади.

Ҳар бир туман (шаҳар) бўйича танланма миқдори мос тўпламнинг 30 % ини ташкил этади.

4. Кузатув ўтказишни ташкил этиш ва танлаб олиш

7. Кузатув Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туманлари (шаҳарлари) ҳудудида ўтказилади.

Маълумотларни йиғиш манфаатдор вазирлик ва идораларнинг шаҳар ва туманлари ходимлари томонидан танланма асосида телефон орқали, электрон почта (IT- парклар рўйхатига кўра) ёки CAWI (Computer Assisted Web Interviewing) технологиясига асосланган махсус дастурлар орқали сўров ўтказиш амалга оширилади.

8. Ходимлар ҳар бир аҳоли пункти бўйича хизмат турларининг номлари билан кузатув объектларининг, яъни бозор хизматларини кўрсатиш марказлари, маҳалла гузарлари, савдо комплекслари ва бошқа доимий равишда хизмат кўрсатиладиган жойлар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат турлари рўйхатини 1-иловага мувофиқ тузади.

5. Сўровномани тўлдириш бўйича тушунтириш

9. Агар яқка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс бир нечта хизмат турини амалга ошираётган бўлса, ҳар бир тур бўйича барча хизмат турларидан тушум миқдори ҳажми алоҳида кўрсатилади.

10. Танланма кузатув сўровномасида бирликда кўрсатилган маълумотлар яхлит сонларда келтирилади, тушум тўғрисидаги маълумотлар битта ўнталик белгиси билан минг сўмда кўрсатилади.

11. Танланма тўплам умумий тўплам бирликларига сезиларли таъсир қилиши сабабли уни шакллантиришда қуйидаги параметрлар ҳисобга олиниши лозим:

ушбу объектда яқка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс томонидан кўрсатилаётган барча хизмат турларини қамраб олиш;

танланма кузатув сўровномасида назарда тутилган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизмат турлари рўйхатидаги хизмат турларини қамраб олиш (1-илова).

Шу билан бирга, қамров таркибига турли нархларда, ҳам паст ва ҳам юқори бўлган нархларда кўрсатилган хизматлар киради.

12. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бир хил турдаги хизмат турлари бўйича нархлар номуносивблиги вужудга келмаслиги учун ҳудудлар ўртасида туман (шаҳар) лар кесимида ўтказилган кузатув натижаларидан кузатилган даврда

маълумотлар ўзгаришини ўзаро таққослаш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Сўровномани йиғиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш бўйича кўрсатмалар

13. Сўров жараёни тугаши билан арифметик ва мантикий хатоликларни текшириш учун барча кузатув сўровномаларининг маълумотлари дастурий таъминотга киритилади.

14. Кейинчалик электрон маълумотлар базаси шаклидаги йиғма маълумотлар ҳудудий супервайзерларга юборилади. Олинган маълумотлар улар томонидан тегишли услубий тавсияларга мувофиқ кузатилган шахсларнинг бош тўпламини шакллантириш, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўз ўзини банд қилган шахслар томонидан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажмини аниқлаш учун фойдаланилади.

7. Якуний қоидалар

15. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти бўйича кузатув жараёнида олинган маълумотлар, уларнинг ҳаққонийлиги ва объективлигини назорат қилиш мақсадида бошқа статистик маълумотлар, хусусан, уй хўжаликлари, кичик бизнес, шунингдек, солиқ органининг маъмурий маълумот манбалари ва бошқа статистик кузатувлар маълумотлари билан таққосланиши лозим.

16. Кузатув натижалари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмини ҳисоблаш ва Ўзбекистонда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш ҳолатини ўрганиш учун фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 09.06.2020й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4752-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 16.06.2020й.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон қарори, 1-илова. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 1-2-сон (8) 2011 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 112-сон қарори, 1-илова. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 10-сон (260) 2018 йил.
5. Ахборот иқтисодиёти статистикасини ишлаб чиқариш бўйича қўлланма 2009 (қайта кўриб чиқилган нашр). // БМТ (<https://unctad.org>), Нью-Йорк ва Женева, 2014 йил.
6. Барча иқтисодий фаолият турларининг тармоқлар бўйича халқаро стандарт таснифлагичи (тўртинчи қайта кўриб чиқилган шакли). // БМТ (<https://unstats.un.org>), Нью-Йорк, 2009 йил.

Ахборот-коммуникация технологиялари
соҳасида бозор хизматларини кўрсатувчи
жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини
ташқил этиш ва ўтказиш бўйича тартибга
1-ИЛОВА

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги хизмат турлари рўйхати

Хизмат кодлари	Хизмат турлари
	Компьютер дастурлаштириш соҳасидаги фаолият (ИФУТ-2 коди 62.01.0)
01	Дастурий таъминот ва веб-сайтларни ишлаб чиқиш (компьютер дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари, шу жумладан компьютер ўйинлари)
	Компьютер технологиялари соҳасидаги маслаҳат хизматлари (ИФУТ-2 коди 62.02.0)
02	Компьютер ускуналари, ахборот технологияларининг тизимли вазифалари ва дастурий таъминот бўйича маслаҳат бериш хизматлари
03	Дастурий таъминот, ахборот тизимлари, мобил иловалар техник қўллаб-қувватлаш
	Ахборот технологиялари ва компьютер тизимлари соҳасидаги бошқа фаолият турлари (ИФУТ-2 коди 62.09.0)
04	Жисмоний шахсларга лицензияланган дастурий таъминот ўрнатиш
05	Компьютерлар ва уларнинг алоҳида сиртки ускуналарини ўрнатиш бўйича хизматлар
	Маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар (ИФУТ-2 коди 63.11.0)
06	Веб-сайтларни техник қўллаб-қувватлаш
07	Интернет тармоғидаги реклама ўрни ёки вақти
	Веб-порталлар (ИФУТ-2 коди 63.12.0)
08	Интернет-манзилларнинг кенг маълумотлар базасини яратиш ва қувватлаш мақсадида қидирув механизмларидан фойдаланувчи веб-сайтларни бошқариш
09	Веб-саҳифаларни саҳифаловчи, веб-тахлилчи, веб-сайтларни оптимизациялаш бўйича мутахассис
	Бошқа тоифаларга киритилмаган, ахборот хизмати кўрсатиш бўйича бошқа фаолият (ИФУТ-2 коди 63.99.0)
10	Рағбатлантириш ёки шартнома асосида маълумотларни қидириш бўйича хизматлар, янгиликларни танлаш бўйича хизматлар, даврий нашрлардан олинган парчалар ва бошқалар, фактлар ва маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш бўйича хизматлар, манзиллар рўйхатидан ташқари
	Компьютерлар ва периферик ускуналарни таъмирлаш (ИФУТ-2 коди 95.11.0)
11	Жисмоний шахсларга компьютерларни таъмирлаш ва созлаш
	Бошқа хизматлар
12	Копирайтер, рерайтер, SEO-копирайтер, SEO-рерайтер, спичрайтер, транскрибер хизматлари
13	Веб-дизайнер, 3D-дизайнер
14	Интернет-маркетолог, ижтимоий тармоқларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни илгари суриш ва реклама қилиш (SMM), ижтимоий тармоқ саҳифалари администратори, аккаунт-менежер, SMO